

НОРМА МАСЪУЛАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Конун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

ЯНГИ ВАКОЛАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари ишда янги босқичга кўтариладилар...

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кейинги қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов бир қанча қонунчилик ташаббусларини илгари суриб, Бош вазир номзодини депутатлар томонидан кўрсатиш ва Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган партия томонидан ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан давлат бошлиғига тақдим этишни таклиф этди. Шунингдек парламент билан Бош вазир ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдириш таклифи илгари сурилди.

Сиёсий партиялар ўз ваколатларининг бу йўсинда кенгайишига тайёрми? Улар ўз истиқболларини қандай чамаламоқдалар? Ўз олдларига қанақа вазифаларни қўймоқдалар? Ҳамонки, парламентдаги кўпчилик мақоми партиялар учун алоҳида аҳамият касб этаётган экан, парламентга бўлиб ўтган кейинги икки сайловда ўзгирлик қилган ҳозирги пешқадам – ЎзЛиДеП ўрнини кейинги сайловларда қутулмаганда қандайдир «партия блоки» эгаллаши мумкинми? Парламентдаги ўз фракцияси орқали бугунги кунда қайси партиялар коалицияга кириши мумкин? Биз парламентдаги тўртта фракция раҳбарига ҳамда Ўзбекистон Экология ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи етакчисига ана шу саволлар билан мурожаат этдик.

ПЕШҚАДАМГА ТАЛАБ ҲАМ КАТТАРОҚ ҚЎЙИЛАДИ

Бахтиёр ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 53 ўринни кўлга киритган Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) парламент фракцияси раҳбари:

– Очигини айта қолай, фақат бизгагина эмас, балки барча сиёсий партияларга ҳам муайян маънода «ўзини чоғлаш» учун фурсат керак. Сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиб келганига қарамай, ўзларига бундай юксак ваколатлар берилишини ҳеч ким кутмаган эди. Шу сабабли ҳам кимдир бунга тўла маънода тайёр эди дейиш муболаға бўлар эди. Зотан бунда гап Бош вазир номзодини кўрсатиш имкониятига эга бўлиш учун сайловда шунчаки энг кўп овоз олишда ҳам эмас...

Биринчидан, партия аввало сайловда голиб чиққан тақдирда унинг (партиянинг) баён этилган, партиянинг асосий мақсад ва вазифаларини ақс эттирувчи дастурини ижро этувчи ҳокимият даражасида Бош вазир билан биргаликда амалга оширадиган командани шакллантира оладиган, янги талабларга тўла жавоб берадиган кадрлар резерви эга бўлиши лозим. Иккинчидан, партия аниқ ҳаракат режасига, бинобарин мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ва пухта ишланган дастурига эга бўлиши лозим.

Ҳўш, бунда мураккаблик, чигаллик нимада? ЎзЛиДеПни мисолга олайлик... Партиямиз ўтган 7 йил мобайнида қарор топиш босқичини босиб ўтди. Муайян кадрлар салоҳиятига эга. Сурункасига иккита сайлов якунлари бўйича сайловолди дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда дуруст тажрибаси бор дейиш мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммаси биринчи навбатда бизни ҳокимият вакиллик органларидаги ишга, сайловолди жараёнида берилган ваъдаларни ҳамда дастуримиз ғояларини Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали амалга оширишга чоғлаган эди. Энди бўлса бутунлай бошқа даражадаги партиявий ишга рўбарў бўлдик, демак кадрлар резервини тайёрлашнинг бутун тизимини тубдан ва тўлалигича ўзгартириш зарур. Башарти илгари парламентдаги ёки маҳаллий Кенгашлардаги иш учун кадрларни тайёрлаш энг муҳим устувор вазифа ҳисобланган бўлса, эндиликда бизга бевосита ҳукумат таркибида ишлаб, дастурий режаларимизни амалда рўёбга чиқариши лозим бўлган кишилар зарур. Бинобарин, кўламлар ҳам, вазифалар ҳам ўзгармоқда.

Яна бир муҳим жиҳати бор. Мабо-до авваллари сайловолди дастурларимизда асосан белгилаб олинган мақсадларни парламентнинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти орқали амалга ошириш мўлжалланган бўлса, эндиликда дастурда бу борада ҳам жиддий ўзгаришлар тақозо этилади. Кейинги сайловда ҳам ютуқ бизда бўлса (табиийки биз шунга ҳаракат қиламиз), дастуримиз амалда ҳукумат дастури бўлмоғи керак. Бу дастур қандай бўлишини, кимлар билан елкадош бўлиб ишлашимиз, кимларни жалб этишимиз, кимларга таянишимиз зарурлигини ҳозирнинг ўзидаёқ белгилаб олмоғимиз лозим...

Учинчи муаммо вақт билан боғлиқ. Мамлакат Президенти таклиф этган Конституцияга тузатишлар ҳадемай қонун тарзида киритилиши аён, чунки бунга ҳаётнинг ўзи, мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириб келаётган ислохотлар жараёни талаб этмоқда. Кейинги сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки айна ана шу ўзгаришларни инобатга олган ҳолда янгича шароитда кечиши турган гап. Олдимизда нақадар жиддий ва улкан вазифалар турганлиги эътиборга олинса, вақт ниҳоятда тизимли равиш билан равшан бўлади.

– **Бугунги кунда ЎзЛиДеПнинг позицияси анча кучли, парламентда энг кўп ўринга эга фракция ҳам сизларга тегишли. Бошқа партияларга нисбатан кадрлар масаласи сизларда бунчалки кескин бўлмаса керак, зотан кучли, фаол, сиёсий маънода ўзига «бино қўйган» кишилар энг кучли командага қўшилишдан наф катта эканлигини тушунмасликлари мумкин эмас... Бошқа жиҳатдан олганда, либерал-демократлардан ҳукумат деб аталмиш манзилга етиб олиш мумкин бўлган «тойчоқ» тариқасида фойдаланилмаслиги ҳам муҳимдир...**

– Жуда тўғри. Бизда кадрларни танлаш тизими бобида ўзига хос захирамиз, ана шундай кишиларни топиш ва тарбиялашга мўлжалланган сиёсий таълим тизимимиз бор. Ўз вақтида ана шундай сиёсий маориф тизимини барпо этган биринчи партия ҳам бизнинг партиядир. Шунга қарамай, партиямиз эришилган ютуқлардан ғурурланиб, хотиржамлик кайфиятига берилган дея олмайман. Кўп нарса бу йўналишдаги ишларни жойларда қай йўсинда ташкил этишга боғлиқ. ЎзЛиДеП бутун куч-ғайратини шунга сафарбар этмоқда.



Ўйлашимча, ҳозир бошқа партиялар ҳам ҳаракатга тушиб қолиши табиий. Пешқадамлик мақоми кўлдан бой бермаслик учун бунга ҳам назарда тутмоқ лозим.

– **Партиялар ўртасида рақобат кучайганлигига қарамай, парламентда айрим муҳим масалаларда коалиция юзага келади. Ҳозирги кунда, айтинг-чи, қайси партия ЎзЛиДеПга яқинроқ?**

– Ўтган чақириқда блок тузиб, иш олиб бориш борасида муайян тажриба тўпланди. Биз ўшанда иккита партия – «Миллий тикланиш» ва «Адолат» билан бирга иш олиб бордик. Бу нарса кўпгина қонунларни биргаликда ўтказиш имкониятини берди. Гарчи фракциямиз парламентда энг катта ҳисобланса-да, ҳозир ҳам манфаатларимизга дахли бўлган айрим масалаларда бошқа фракциялар билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугунги кунда «Миллий тикланиш» билан қарашларда, хусусан тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, минтақада хавфсизликни таъминлаш борасидаги қарашларда ўхшашлигимиз кўп. Ана шу фракция билан биргаликда бир қанча қонунларни биринчи ўқишда ўтказишга муваффақ бўлдик ҳам. Экология ҳаракати билан қарашларимизда муайян туташ нуқталар бор, зотан биз ҳам экологик барқарорлик учун курашамиз.

Умуман олганда, парламентдаги иш самардорлиги иккита нарсага, бир тарафдан, қонун ижодкорлиги ва муҳим қарорларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг соғлом рақобати ҳамда амалий кимўзарлик баҳсларига, бошқа тарафдан эса мамлакатни барқарор ривожлантириш ҳамда халқ фаровонлигини таъминлаш сингари умуммиллий вазифаларни ҳал этиш учун барча кучларни бирлаштиришга таянади. Қонунчилик палатасида турли партияларнинг вакилиги таъмин этилганлиги фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим воситаси, давлат бошқаруви тизимида аҳолининг хоҳиш-иродаси ва ўй-фикрларини ифода этишнинг зўр механизми ҳисобланади. Фуқароларимизнинг амалга оширилаётган ислохотлардаги фаол позицияси шарофати билангина Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин.

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ 30 НОЯБРДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСДА ҚУЙИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

• «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» (иккинчи ва учинчи ўқиш);

• «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (иккинчи ва учинчи ўқиш).

Депутатлар шунингдек Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзудаги маърузасида ўртага қўйилган вазифалар ҳам муҳокама этилди.

2010 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: 9 ОЙДА ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛДИ?

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси 1 декабрь куни Давлат бюджетининг жорий йил 9 ойи мобайнидаги ижроси тўғрисидаги масалани тинглади. Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни тармоқлар ва минтақалар бўйича ривожлантиришнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастури ижроси, шунингдек «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари Республика йўл жамғармаси маблағларини сарфлаши масалалари депутатларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

<p>УШБУ СОҒДА</p>	1-3-бетлар	1-2-бетлар	3-бет	4-бет
	<p>Партияларга берилган ваколатлар залвори</p> <p>\$1 = 1635,44 сўм</p>	<p>Давлат бюджети қандай ижро этилди?</p> <p>€1 = 2153,18 сўм</p>	<p>Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ</p> <p>£1 = 2573,86 сўм</p>	<p>Низолар судда ҳал этилади</p> <p>¥10 = 197,28 сўм</p>

2010 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: 9 ОЙДА ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛДИ?

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ЯХШИ ТОВАРЛАР КЎПАЯДИ

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан парламентга тақдим этилган ахборотга қараганда, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида **7,9 трлн** сўмликдан ҳам зиёдроқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Шуларнинг **4,6 трлн** сўмдан ортиги ноозиқ-овқат товарлари улушига тўғри келади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришининг ўсиши умуман олганда **12 фоизни**, ноозиқ-овқат товарлари бўйича эса **14,8 фоизни** ташкил этди.

Ўсишдаги юксак суръатлар солиқ имтиёзлари ва кредит бобидаги мадад шарофатидан эканлигидан ташқари мамлакатимизда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш даражаси кейинги йилларда ошганлиги самараси ҳамдир. Масалан, пахта толасидан ип калава ишлаб чиқариш ҳажми 9 ой ичида **44 фоизга**, уни юқори қийматдаги тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қайта ишлаш эса **57,1 фоиз** кўпайган; тўқимачилик маҳсулотининг экспорти ўсиш суръатлари **61 фоиз**, тайёр тўқимачилик маҳсулотлариники эса **66 фоиз** кўтарилган.

Ноозиқ-овқат истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастури доирасида 9 ой мобайнида **557 та** турли лойиҳалар ишга туширилган. Бундай лойиҳалар сони бўйича Хоразм (**124**) ва Самарқанд (**70**) вилоятлари пешқадамлик қилмоқда. Навоий вилояти – рўйхатнинг ўрталарида (**42** лойиҳа). Тошкент шаҳри эса рўйхатнинг охирида қолди (**14** янги лойиҳа).

Марказий банкнинг маълумотларига қараганда, мазкур Дастур асосида иш олиб бораётган кор-

хоналар 1 октябрь ҳолатига кўра **359 млрд** сўмдан ортиқ кредит олдилар. Шундан **224 млрд** сўмдан ортиги хом ашё ва ишлаб чиқариш учун зарур материаллар харид этишга, **101 млрд** сўмдан зиёд маблағ технологик ускуналарга сарфланган. Тахминан **33,6 млрд** сўм улгуржи савдо корхоналарига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмоли товарларини харид этиш учун теги.

СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШДАН КЕЛАЁТГАН ФойДА

Иқтисодиёт вазирлигининг вакили депутатларга маълум қилишича, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳамда саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши **8,3 фоизни**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши **7,8 фоизни** ташкил этди. Бу кўрсаткичлар хизматлар кўрсатишда **11,2 фоизни**, қурилиш ишларида **9 фоизни**, чакана савдо оборотида **12,2 фоизни** ташкил этди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Шу муддат мобайнида:

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид **990 та** лойиҳа бўйича **4,2 трлн** сўмлик, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,4** баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш асосидаги маҳсулотнинг мамлакат саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши **17,6 фоиз** бўлди (2009 йилнинг дастлабки уч чорагида бу кўрсаткич **14,9 фоиз** бўлган эди);

- ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи **48,5 фоизни**, саноатда **18,7 фоизни**, бандлик соҳасида **74,4 фоизни** ташкил этди. Ана шу секторда саноат ишлаб чиқариши ҳажмларининг ўсиш суръатлари **24,1 фоизга** борди;

- пуллик хизматлар ҳажмлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **10,3 фоизга** кўпайди. Бу соҳанинг

ялпи ички маҳсулотдаги улуши **48,6 фоизга** борди;

- Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,2 фоиз** профицит билан ижро этилди;

- фойда солиғи жорий йилнинг 1 январидан камайтирилиб, **10 фоиз** ўрнига **9 фоиз** этиб белгиланганлиги корхоналар ихтиёрида **38 млрд** сўмдан ортиқ маблағ қолишини таъминлади ва бу маблағлар уларнинг инвестиция салоҳиятини мустаҳкамлашни таъмин этмоғи лозим. Солиқ юкининг камайтириши Давлат бюджети даромадлари қисқаришига олиб келмади, аксинча, солиқнинг бу тури бўйича тушум 2009 йилнинг айна ана шу даврига нисбатан **20,9 фоиз** кўпайди;

- кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари камайтирилганлигига қарамай (**8 фоиз** ўрнига – **7 фоиз**) 9 ой ичида ана шу манба бўйича тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **18,9 фоизга** кўпайган. Бунда кичик корхоналар ва микрофирмаларда тақрибан **41 млрд** сўм маблағ бўшатиб олинган;

- жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишининг энг паст шкаласи бўйича олинган солиқ ставкаси камайтирилиб, **12 фоиз** ўрнига **11 фоиз** этиб белгиланганлиги аҳоли даромадлари чекига тушаётган солиқ юкини камайтиришга қаратилган сиёсатнинг давоми бўлди. Шуниси ҳам борки, мазкур солиқ бўйича тушум 2009 йил дастлабки уч чорагида қиёсан олганда **215 млрд** сўмга ёки **22,9 фоизга** кўпайган;

- ижтимоий соҳага **5,5 трлн** сўмдан ҳам ортиқ маблағ ажратилган. Ана шу маблағнинг ярмидан кўпи таълим муассасалари таъминоти ва уни ривожлантиришга йўналтирилган;

- иқтисодиётга сарфланган бюджет харажатлари **1 трлн** сўмдан ошган ёки ўтган йилнинг

9 ойига нисбатан **23,5 фоизга** кўпайган. Ана шу маблағнинг каттагина қисми қишлоқ ва сув хўжалигини таъмин этиш ва қўллаб-қувватлашга сарфланган. Саноатнинг таянч тармоқлари ҳамда ёнилғи-энергетика комплексини молиялаштиришга **65 млрд** сўм, шу жумладан геология-қидирув ишларига **57 млрд** сўмдан ҳам ортиқроқ маблағ ажратилган;

- туман бюджетларининг дотацияга таяниш даражаси ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан **1,8 фоиз** пунктга камайган. Андижон, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг туманлари бўйича дотациялар улуши камайган. Шу билан бирга Хоразм вилоятининг уч та туманида бу кўрсаткич аксинча ошган;

- мамлакат бўйича пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий миқдори 1 октябрь ҳолатига кўра **3 млн** дан ошди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан камайган.

«ЎЗАВТОЙЎЛ» НАЗОРATГА ОЛИНАДИГАН БЎЛДИ

Депутатлар Республика йўл жамғармасининг маблағларини ўз ўрнида, белгиланган мақсадда сарфланиши масаласига алоҳида эътибор бердилар. Бинобарин, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси йўл хўжалиги тизимида ҳамда Жамғарманинг молиявий ресурсларидан фойдаланиб келаётган бошқа корхоналарда мазкур Жамғарма томонидан шу йил ўтказилган текширувлар молия бобида бир қанча қоидабузарликлар ва камчиликларни аниқлаб берди. Бундай қоидабузарликлар ва камчиликлар умумий ҳисобда **18 млрд** сўмга боради.

Республика йўл жамғармаси «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси учун маблағ манбаи ҳисобланади. Аниқланган қоидабузарликларнинг ҳажми ва хусусияти маблағларни сарфлашнинг қанчалик асосли ва ўринли эканлиги устидан назорат етарли эмаслигидан далолат бермоқда.

Молия вазирлигининг ахборотига қараганда, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарида йўл қуриш-таъмирлаш ишлари ҳажмларини қўшиб ёзиш, ўз истеъмоли учун ўзида ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари баҳосини, шунингдек автомобиль йўлларини таъмирлашда ишлатилаётган машина ва механизмларнинг фойдаланиш харажатларини ошириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган. Шунингдек Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик, йўл ишлари сифати талаб даражасида эмаслиги, шундай ишларни тасдиқланган манзилли рўйхатларда назарда тутилмаган объектларда бажариш ҳоллари аниқланди.

Ўз ахборотимиз.

РАҚОБАТЛАШИШ АСНОСИДАГИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИК



1-бетда
Улуғбек ВАФОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 32 ўринни қўлга киритган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:

– Бугунги кунда миқдор бўйича парламентда иккинчи ўринда турган фракция бизнинг фракция-миздир. Муайян ижобий тажриба тўпланганлиги, кадрлар салоҳияти борлиги вазидан янги ваколатлардан фойдаланишга мутлақо тайёр эмасмиз дея олмайман. Бироқ Конституцияга киритиш мўлжалланган тузатишлар замиридаги улкан масъулият ва жавобгарлик назарда тутилган бўлса, бизга ҳам, бошқа партияларга ҳам обдан тер тўқишга тўғри келади...

Энг аввало, гап маҳаллий Кенгашлар депутатлар корпусини мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Баъзи партияларда бу қуйи бўғин жуда заиф, шу боис уларга анча қийин бўлади... Биз ҳам ўз депутатларимиз билан олиб борилаётган ишларни кучайтиришимиз, қўбўғинни янада фаоллаштиришимиз лозим.

Партияларга ҳукуматни шакллантириш ҳамда зарурати бўлганда унга ишонсизлик вотуми билдириш сингари воситалар ёрдамида унинг таркибига таъсир этиш ҳуқуқи берилмоқда. Амалий харажатлар учун имконият кўп қарра кенгаймоқда. Буларнинг ҳаммаси, шакшубҳасиз, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтиради. Ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса сезилмоқда. Парламентга бўладиган кейинги сайловларда-ку инчунин.

– **Ўз партиянгиз манфаатларидан келиб чиқиб, қайси парламент фракциялари билан «кооперациялашув»га мойиллик билдирасиз?**

– Бунда гап қайси масала ҳақида боришига қараб иш тутилади. Қандайдир умумий манфаатлар ҳақида сўз борганда, ЎзЛиДеП билан бир тараф бўлиб чиқишимиз мумкин, ammo иқтисодий ва ижтимоий масалаларда улар билан кўп ҳолларда ўртамазда зиддият келиб чиқади. Номининг ўзидан ҳам аёнки, «Адолат» социал-демократик партияси билан муштарак томонларимиз бор. Бу ўринда мен партияларимиз дастурларининг ижтимоий қирраларини назарда тутмоқдаман. Миллий ишлаб чиқариш, иш ўринларини, айниқса қишлоқ жойларда иш ўринларини барпо этиш масалаларида одатда «Миллий тикланиш» демократик партияси билан фикр-қарашларимиз кўп жиҳатдан ўхшашдир.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.12.2010	1	0,799	1	1,0633	1	0,0258
Арманистон	9.12.2010	1	359,68	1	475,28	1	11,59
Беларусь	10.12.2010	1	3011,00	1	4004,33	1	97,18
Грузия	9.12.2010	1	1,7631	1	2,3342	1	5,6432
Қозоғистон	10.12.2010	1	147,38	1	195,54	1	4,75
Қирғизистон	10.12.2010	1	46,9944	1	62,0295	1	1,5003
Латвия	10.12.2010	1	0,528	1	0,702804	1	0,017
Литва	10.12.2010	1	2,5947	1	3,4528	10	8,3755
Молдова	9.12.2010	1	12,3324	1	16,317	1	0,3951
Тожикистон	10.12.2010	1	4,4014	1	5,8456	10	1,4422
Ўзбекистон	7.12.2010	1	1635,44	–1	2153,18	1	52,31
Украина	9.12.2010	100	795,14	100	1049,5848	10	2,545
Эстония	9.12.2010	1	11,8351	1	15,6466	1	0,381421

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҲДА:

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

– Янги ваколатлар масъулияти
– 2010 йилги Давлат бюджети: 9 ойда қандай ижро этилди?

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-3-бетлар**

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Шартномага асосланган

– Қонунни бузмай

✓ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАРҲИ

4-бет

– Сақлашлари шарт

✓ СУД ТИЗИМИ

– Ҳакамлик судлари такомиллашув жараёнида

– Қидирувга... экстрасенс киришгач

✓ top

5-бет

6-бет

7-8-бетлар

ПАРТИЯ ДАСТУРЛАРИНИ «КЕНГАЙТИРИШ» КИФОЯ ЭМАС

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 31 ўринни қўлга киритган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари:

– Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этишнинг мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган, парламентнинг сиёсий ролини кучайтиришни назарда тутувчи Концепцияси барча сиёсий партиялар учун жуда жиддий, таъбир жоиз бўлса, инқилобий таклиф бўлди. Бу ҳужжат зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, парламентдагина эмас, жойларда ҳам катта иш олиб боришни тақозо этади. Биринчидан, берилган имкониятдан фойдалана билиш учун сайловда муносиб ўрин эгаллаш лозим. Иккинчидан, агар ўзимиз ёки бошқа партиялар билан биргаликда блок ёхуд коалиция бўлиб, бўлажак Бош вазирнинг номзодини кўрсатадиган бўлсак, ҳозирнинг ўзидаёқ кадрлар билан олиб бориладиган ишни кучайтиришимиз лозим.



Партия парламентдаги кўпчилик ролига тайёр туриши лозим. Бу эса ўз дастуриимизни, хусусан кадрлар сиёсати борасида ишлаб маромига етказишни талаб этади. Зотан партияда мамлакатни ва унинг минтақаларини сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг моделлари ҳақидаги тасаввур аниқ мужассам топган бўлиши ва худди шу нарса сиёсий дастурнинг ўзаги бўлиб қолиши лозим. Мамлакат Президенти Концепциясидаги кўп ғоялар «Миллий тикланиш» партияси мафқурасига ҳамохангдир. Бу бир тарафдан, бизни хушнуд этади, иккинчи тарафдан эса дастуриимизни амалга ошириш учун зиммага янада каттароқ масъулият юклайди.

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари маъруза қилганидан кейин фракциямиз билан партия марказий кенгашининг ижроия кўмитаси кенгайтирилган йиғилишда Президентимиз Концепциясини муҳокама этди ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузди. Ана шундан келиб чиқиб амалий ҳаракатлар режасини тафсилотлари билан аниқлаштириб олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, Концепциянинг барча йўналишлари бўйича, Президентимиз ташаббуси билан киритиладиган қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳлар тузди.

– Фракцияларда, одатда, ўзлари учун муҳим масалалар муҳокамасида «салмоққа эга бўлиш ва шу масалалар юзасидан овоз беришда ютиб чиқиш учун туташ нўқталарни излашда ўзаро манфаатдорлик юзга келади... «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси бугунги кунда ким билан «кооперациялашув»ни маъқул кўрган бўларди?

– Қарашларимиз ва тегишича қонун лойиҳалари юзасидан таклифларимиз кўп жиҳатдан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига мос келади деб ўйлайман. Лекин умуман олганда, муайян масала ёки муаммога қарашларимиз монанд келган тақдирда исталган фракция билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

– Халқ демократик партияси билан ўртадаги фарқ 1 овоз, холос. ЎзЛиДеп билан бу борада тафовут катта (22 ўрин). Кейинги сайловда голибликни қўлга киритиш учун, афтидан, ниманидир жиддий тарзда ўзгартиришингизга тўғри келади шекилли...

– Ассиди эътиборни сайловолди жараёнида берилган ваъдаларни бажаришга қаратамиз ва келгуси ютуқларимиз омилини айни ана шунда деб биламиз. Партия дастурига келганда, ҳозирги кунда унда туб ўзгаришлар бўлмайди, лекин яқин йиллар ичида уни, шак-шубҳасиз, мукамаллаштирамиз.

– Бу қайси йўналишда амалга оширилади? Назаримда, партия дастурлари ҳозир ҳам, яқин истиқболда ҳам муайян вазифалар бўйича «торайтирилмайди», аксинча, бўлажак сайловда кўпроқ овоз олиш мурдаоси билан имкон қадар «кенгайтирилади».

– Ҳа, шундай. Лекин мен партия дастурларини ва сайловолди платформасини кенгайтиришнинг ўзи билан бўлажак сайловда голибликка эришиш мумкинлигини норéal вазифа деб ҳисоблайман. Бизнинг сайловчиларимиз асосан зиёлилар – ўқитувчилар, олимлар, маданият ва спорт вакилларидан иборат. Ҳамонки, Ўзбекистонимизда фуқаролик жамиятини шакллантираётган эканмиз, улар ҳаммиша фуқаролик ғояларини оммалаштирувчиларнинг олдинги қаторида борадилар ва уни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб қолаверадилар. Биз ўз амалиётимизда уларга таянамиз, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги тегишли йўналишларда қўллаб-қувватлашларига ишонамиз.

Фракциямиз депутатлари «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш бошлаб юбордилар. Бу лойиҳа қонун ҳужжатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи самарали ҳуқуқий механизм яратишга қаратилган бўлиб, унда жамоатчилик назоратининг субъектлари ва предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари ва оқибатлари, энг муҳими эса қонун ҳужжатларининг талаблари ва нормаларини бажармаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи» махсус муҳбири.

Давоми келгуси сонда.

Конунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Конунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

БАНКЛАР ЯНАДА БАРҚАРОРЛАШАДИ

Президентнинг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон қарори билан 2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари дастури маъқулланди. У яхлит банк тизими бўйича ҳамда микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади. Хусусан, ҳужжатда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини уларни янада капиталлаштириш, мазкур соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишнни такомиллаштириш ҳисобига ошириш; банклар ва умуман молия-банк тизими фаолиятини етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган усулларга асосланган баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, шунингдек бошқа чоралар тартибга солинган.

Банкларга берилган банкрот корхоналар мол-мулки негизда ташкил этилган ҳўжалик юритувчи субъектларга Президентнинг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сон фармойишининг 2-бандида назарда тутилган, уларни стратегик инвесторга реализация қилгунга қадар, бирок давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озод этиладиган маблағларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ривожлантиришга йўналтириш шарти билан фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мол-мулк солиғи, ер солиғини тўлашдан озод этиш, тижорат банклари томонидан таъсис этиладиган бошқарувчи компаниялар учун эса – уларни давлат рўйхатидан ўтказгандан кейинги дастлабки 2 йил давомида, улар стратегик инвесторларга реализация қилинган пайтдан бошлаб яна 3 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этиш кўринишидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. 2011 йил 1 январдан бошлаб улар шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш учун олиб келинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) 2 йилга озод этилади.

Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

ШУМАНАЙЛИКЛАР УЧУН ДАСТУР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 267-сон қарори билан 2011 – 2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. У банкларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, суғориладиган ерлар ва ирригация

тизимларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг бандлик даражаси ва фаровонлигини оширишга ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

ШИФОКОРЛАР УЧУН ЧЕГАРАЛАНИШ


Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 270-сон қарори билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига уларни «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги янгиланган Қонунга мувофиқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар даъвогарлари фақат юридик шахслар бўла оладилар. Шунингдек тиббий фаолиятни амалга оширишда маънавий эскирган ускуналардан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ҳужжат билан Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турлари рўйхати тасдиқланган. Лицензия олиш учун лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳам ўзгартирилган.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШГА ДОИР

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 1 декабрда 2032-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, ички назорат учун масъул шахс почта алоқаси оператори, провайдерининг буйруғи билан раҳбарлик лавозимини эгаллаган ходимлар орасидан тайинланади. Ўз фаолиятида ва ахлоқда ишониб топширилган бўлини нотўғри бошқаргани ёки ишнни виждонан юритмаганини намоён этган, шунингдек иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун илгари суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар масъул этиб тайинланиши мумкин эмас.

Масъул шахслар эндиликда шунингдек фойдаланувчилардан амалий иш муносабатларининг мақсади ва кўзланган хусусияти, шунингдек зарур ҳолатларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисидаги ахборотни сўраш; яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, фойдаланув-



чининг мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш; идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, у билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, пул ўтказмаларини амалга оширишда фойдаланувчига рад жавобини беришлари шарт. Ҳужжат билан фойдаланувчиларнинг тоифалари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операциялар амалга оширилишининг юқори даражадаги таваккалчилик хавфи тоифаси белгиланган.

Юқори даражадаги таваккалчилик хавфи аниқланганда почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчини лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўриши ва улар томонидан содир этилаётган операцияларнинг доимий мониторингини амалга ошириши шарт.

Ҳужжат билан шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

«КАМОЛОТ» ТАЛАБЛАРНИ ҚАТТИҚЛАШТИРДИ

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 1 декабрда 1622-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритилган. Чунончи, моддий қўллаб-қувватлаш энди талабаларга тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилиш бўйича тузилган шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаш шаклида, улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизи белгиланган муддатларда тўланган тақдирда, амалга оширилади. Бунинг учун талабанинг ўтган ўқув семестридаги рейтинг назорати яқунлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 фоиздан юқори бўлиши керак.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

2010 йил 11 декабрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 27 ноябрдан 3 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 48-сонини асосида тайёрланди.



ШАРТНОМАГА АСОСЛАНИНГ

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

МЧЖ давлат корхонаси билан тузилган шартномага асосан маҳсулот тайёрлади ва уни буюртмачига топширди, буюртмачи эса унга тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлашдан бош тортиди. МЧЖ хўжалик судига давлат корхонасидан қарз ва неустойка суммаларини ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди.

Биринчи инстанция суди даъво талабларини қисман қондирди. Апелляция инстанцияси унинг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирди. Қабул қилинган суд ҳужжатларига рози бўлмаган жавобгар Олий хўжалик судига уларни бекор қилиш ва даъво талабларини қондиришдан бош тортиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

МЧЖНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

МЧЖ шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариб, унда кўрсатилган маҳсулот ҳажминини тайёрлади. Унинг қиймати юкхат, ҳисобварақ-фактура ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш пайтида корхона раҳбари томонидан тасдиқланган. Корхона бажарилган ишлар ҳақини тўлиқ тўлаши керак.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

● МЧЖ ва давлат корхонаси пудрат шартномаси тузганлар, унга кўра ҳақ корхонага ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан тўланган;

● ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси билан корхонанинг МЧЖ олдида 13 млн сўм миқдориди асосий қарзи ва тўловни кечиктирилганлиги учун 6,5 млн сўм пеня бўйича қарзи мавжудлиги тасдиқланган;

● жавобгарнинг илтимосига кўра эксперт ташкилоти экспертиза ўтказган, унда аниқланишича, маҳсулот таннархига пудратчи томонидан маҳсулот тайёрлаш учун фойдаланилган хонанинг ижара қиймати киритилган.

Кассация ҳайъати амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни белгилади:

● ФКнинг 354-моддасига мувофиқ МЧЖ билан корхона ўртасидаги шартнома уларнинг эркин хоши-ирода-си асосида тузилган. Қонун иккала тарафни уни имзолашга мажбур қилмаган. Улар шартноманинг бар-

ШАРҲ

ФК 631-моддасининг биринчи қисмига кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

ФК 636-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ пудрат шартномасида баҳо (нарх) тўғрисидаги шарт энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. У тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тахминан белгиланганлиги тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у қатъий ҳисобланади.

Қатъий миқдорда белгиланган баҳо пудратчининг ҳақи ва шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича унинг чиқимлари компенсациясини ўз ичига олади. Бундан келиб чиқадиги, пудратчи унга буюртмачининг топшириғини бажариш учун фойдаланилган хонанинг ижара ҳақи харажатларини ҳам киритишга ҳақлидир. Агар қатъий баҳо белгиланган бўлса, башарти ишларнинг шартномавий ҳажми лозим даражада бажарилган бўлса, тарафларнинг бирортаси ҳам кейинчалик уни камай-тириш ёки кўпайтириш талабини қўйишга ҳақли бўлмайди.

Қонун ҳужжатларида муайян турдаги товарлар (ишлар, хизматлар)га баҳолар (тарифлар) давлат органлари томонидан тасдиқланадиган ҳоллар назарда тутилган. Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни

шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган) 4-бандига биноан давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги товарлар нархларини шакллантиришда қўлланилади:

● монополист корхоналар ва табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган (бажариладиган, кўрсатиладиган) товарлар (ишлар, хизматлар);

● нархларни тартибга солувчи орган билан келишган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланадиган айрим турдаги товарлар (ишлар, хизматлар);

● ҳукуматнинг қарорлари билан нархларни тартибга солувчи органда тартибга солиш назарда тутилган айрим турдаги товарлар (ишлар, хизматлар).

Суд томонидан кўрилган низода жавобгарнинг тартибга солинадиган баҳоларни қўллаш тўғрисидаги талаби нотўғри эди, чунки тарафлар монополист корхоналар ҳисобланмаган, бажарилган ишларнинг қиймати қатъий белгиланган баҳолар билан белгиланмаган ва ҳоказо.

Кўрилган низо материалларидан келиб чиқишича, пудрат шартномасида қатъий нарх белгиланган, шу сабабли ФК 636-моддасининг саккизинчи қисмига асосан буюртмачи, ҳатто шартнома тузиш чоғида бажариладиган ишнинг тўлиқ ҳажминини

ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Бажарилган ишлар ҳақи шартномада назарда тутилганидан камроқ баҳода тўланиши керак, чунки даъвогар Фуқаролик кодекси (ФК) 356-моддасининг иккинчи қисмини бузган ҳолда унга қўшимча харажатларни асосиз қўшиш ҳисобига баҳони оширган.

ча муҳим шартлари бўйича, шу жумладан ишлар баҳоси бўйича келишувга эришганлар, шу сабабли шартнома тузилган ҳисобланади ва унинг ижроси тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода тўланиши керак;

● ФК 356-моддаси иккинчи қисмининг талабларини кўриб чиқилаётган ҳолда қўллаб бўлмайди, чунки МЧЖ билан давлат корхонаси ўртасида тузилган шартнома баҳоси давлат томонидан тартибга солинмайди;

● мазкур ҳуқуқий муносабатларда баҳолар қонун ҳужжатлари ёки давлат органлари томонидан эмас, балки тарафларнинг келишуви билан белгиланганлиги сабабли эксперт ташкилоти томонидан берилган эксперт хулосасини эътиборга олиб бўлмайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ҳамда Хўжалик процессуал кодексининг 187 ва 189-моддаларига амал қилиб, кассация ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартирмасдан қолдирди.

ёки бунинг учун зарур харажатларни назарда тутиш имконияти бўлмаган бўлса ҳам, уни камайтиришни талаб қилишга ҳақли эмас эди.

Тарафлар ўртасида шартнома тузиш чоғида эришилган ишларнинг баҳоси тўғрисида келишув бажарилган ишлар ҳажми, уларнинг натижасини қабул қилиш-топширишни акс эттирадиган, кейинчалик имзоланадиган ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бундай ҳужжатлар сирасига бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисобварақ-фактуралар, ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномалари қиради. Охириги ҳужжатнинг имзоланиши қарздорнинг қарзни тан олишидан гувоҳлик беради.

ФК 261-моддасининг биринчи қисмига кўра, шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қарздор жарима ёки пеня шаклида неустойка тўлаши шарт. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 29 августдаги 670-1-сон) 32-моддасининг иккинчи қисми билан белгиланишича, бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлашди. Санкцияларнинг бошқа миқдорларини тарафлар шартномада белгилашлари мумкин.

Суд амалиётини «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизмати таҳлил қилди.

ҚОНУННИ БУЗМАЙ

Менинг фикрим сизларга қанчалик муҳим-номуҳимлигини билмайману, аммо дангал айтаман: газетангизга гап йўқ! Газета саҳифаларида берилаётган маслаҳатлар шунчаки жавоб ёки барчага маълум меъёрий ҳужжатларга ҳавола эмас, балки муфассал ва лўнда қилиб тушунтиришлар эканлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун сизларга катта раҳмат.

Энди мени ушбу сатрларни ёзишга ундаган нарса ҳақида. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи хусусий тадбиркор меҳнат шартномаси асосида ҳам, бошқача йўсинда ҳам ходимларни ишга ёллаш бўлмайди. Лекин барча хусусий дўконларда унинг эгасидан ташқари яна кимдир ишлаши ҳаммага аён. Ҳар бир ходимга патент расмийлаштириш мумкин, албатта. Аммо бу серчиқим, охир-оқибатда нарх-навога ўз таъсирини кўрсатадиган иш.

Ана шундай вазиятни била туриб нима сабабдан хусусий тадбиркорларга ходимларни меҳнат шартномаси асосида қабул қилишга ижозат берадиган қонун қабул қилиб бўлмайди – шунисига тушунмайман. Бу алфозда ишлайдиганлар даромадидан бюджетга солиқлар ва йиғимлар тўланади-ку, ахир! Ҳозирча эса бундан фақат текширувчилар чўнтаги «хузур» кўрмоқда, холос. 3–5 нафар кишига жамоавий патентга ҳам рухсат бериш мумкин. Бу умумий ҳисобда қимматроқ бўлса-да, лекин бир неча кишига бўлинса, арзонроққа тушади. Бундан ҳам барибир давлатга фойда. Ҳозир оилавий патентларни расмийлаштиришга ижозат этилган, бироқ бу йўналишдагилар асосан новвойлар ва шу сингари касб эгаларидир. Буни етарли деб бўлмайди. Маълумки, хусусий шахслар энгагалар ёки уй ходимлари билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузиши мумкин. Ҳўш, нима сабабдан яқка тартибдаги тадбиркорлар шундай қила олмайди?

Ҳозирги кунда Аҳолининг бандлиги дастури ҳақида кўп гапирилмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркорларга икки-учта ходимни ёллашга рухсат этиш (Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда шундай тажриба қўлланилмоқда) ошқора тусдаги иш ўринларини анча кўпайтирган ва хуфиёна тўловларни камайтирган бўлар эди деб ўйлайман.

Савдо соҳасида иш олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркорларни кўпинча қонун ҳужжатлари талабларини бузишда, даромадларни яширишда айблашади. Бу гапларда жон бор, албатта. Лекин бундай ҳолларнинг аксарияти, фикримча, қонунга итоат этмаслик уларга хос ҳислат эканлиги туфайли эмас, балки ўз бизнесини қонун ижозат этган тарзда олиб бориш имконияти етарли эмаслиги ёки ваколатли органлар тадбиркорликка кўмаклашишга қаратилган қонун талабларини бажармаслиги оқибатидир.

Тадбиркорларга ўзини ўтга, чўққа уриб, пора бериб бўлса ҳам фаолият олиб боришдан кўра хотиржам фаолият юритиш юз бора афзал. Зотан ҳукуматимизнинг сиёсати ҳам кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу йўналишда кўпгина ишлар қилинди ҳам. Шу билан бирга қонун ҳужжатларини муттасил такомиллаштириб бориш ва улар амалда қандай иш бераётганлигини изчил кузатиб туриш лозим. Солиқни тўлаган ўз ишини хотиржам олиб бориши керак – бор муддао шу.

Олег, дўкон мудирини, хусусий тадбиркор.

Хорижий тажриба

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА

Россиянинг 15 йилдан буён амал қилиб келаётган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига нисбатан 2003 йилдан буён муҳокама этиб келинган анчагина тузатишлар киритилди.

Бу янгиликлар солиқ ва бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга қаратилган. Ана шу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қабул қилинишига Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига киришга тайёргарлик кўраётганлиги ҳам сабаб бўлди.

Соддалаштирилган тизим асосида ишлаётган компаниялар илгари бухгалтерия ҳисобини юритмасликлари мумкин эди, тузатишларга кўра эса энди уни юритишлари зарур. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда чет эл ташки-

лотларининг бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби юритмасликлари мумкин.

Соддалаштирилган тарзда ишлаётган компаниялар зиммасига ҳисобот юритиш мажбуриятининг юклатилиши анчагина ўзгарган иқтисодий шароитларга монанд бўлса бордир. Бироқ кичик бизнеснинг ҳолатига ҳавас қилиб бўлмайди. Чоғроққина ташкилот эгалари ҳам ҳисоб юритишга мажбур. Қонун бухгалтерларнинг манфаатларига ҳам дахл этди ва уларнинг мақомини... анча пасайтирди.

ЭЛЕКТРОН КВИТАНЦИЯ

Ўтган ёзда Россия фуқаро авиациясида йўловчи электрон билети ва багаж квитанцияси шакли ўзгарди.

Янги қоидаларга кўра йўловчилар Интернет орқали буюртма берадиган электрон билетларга қатъий ҳисобот ҳужжати сифатида квитанция илова қилинади. Бу квитанция йўловчи электрон манзилига юборилади. Янгилик билетлар бўйича ҳисобот жараёнини тартибга солишга ёрдам беради. Зотан бундай квитанция чекка тенглаштирилади ва у, айтайлик, хизмат сафаридан кейин харажатлар ҳақидаги ҳисоботга қўшиб қўйилиши мумкин. Бундан буён ҳақиқий чек учун бориб юриш шарт эмас, электрон квитанциядан нусха чиқар-

тириб бухгалтерияга топширишнинг ўзи kifоф.

Агар илгари Россиянинг исталган жойидан туриб, Интернет орқали билетга буюртма бериб олиш мумкин бўлган эса-да, чек масаласида ахвол бирмунча мураккаброқ эди. Сафар хусусидаги ҳисобот учун билетнинг ўзи етарли деб ҳисоблайдиган ташкилотлар кам эканлиги боис чек учун билет сотилган жойга боришга тўғри келарди. Бунинг кўп ноқулайликлари бор. Баъзан чекни олишнинг иложи ҳам бўлмасди.

Хорижий матбуот материалларидан.


Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М. Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



САҚЛАШЛАРИ ШАРТ,

ЎКИ АРХИВ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Қонун ҳужжатларининг 2010 йил 25 ноябрдаги ҳолатига кўра.

Кейинги йилларда архив иши тизимида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, архив ишини бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» қарори (2004 йил 3 февралдаги 49-сон) билан Бош архив бошқармаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига айлантирилди.

Кейинроқ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги 194-сон қарори билан 2011 йилгача архив ишини ва иш юртишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллари тасдиқланди.

Архив ишини ва иш юртишни ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш;

давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни рақамлаш, таъмирлаш, консервация қилиш ва архив ҳужжатларидан эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда тутувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш;

масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юртиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини шакллантириш.

ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

Киритилган ана шу ўзгартиришлар муносабати билан «Архивлар тўғрисида»ги Қонун (1999 йил 15 апрелдаги 768-1-сон) такомиллаштиришга эҳтиёж сезди. «Архив иши тўғрисида»ги янги Қонун¹ (2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сон, бундан кейин – ЎРҚ-252-сон Қонун) қабул қилиниши муносабати билан 2010 йил ўртасида у ўз кучини йўқотди.

ЎРҚ-252-сон Қонунда «архив» тушунчасига янги таъриф берилди. Архив деганда архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассаса тушунилади. Биринчи марта «алоҳида қимматли ҳужжат», «ноёб ҳужжат», «суғурта нусха» тушунчалари ва баъзи бир бошқа тушунчаларга таъриф берилди. Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзархив» агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши соҳасидаги ваколатлари аниқ қилиб белгиланди (бунга ЎРҚ-252-сон Қонуннинг алоҳида моддалари ажратилган).


Янги архивлар барпо этиш учун шарт-шароитлар белгиланди. Бунинг учун архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник база, шу жумладан бино (хоналар), зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари ҳамда ёнғинга қарши воситалар бўлиши шарт.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар **шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни** (ҳодимнинг иш берувчи билан меҳнат муносабатларини акс эттирадиган архив ҳужжатларини) жамлаши ва уларнинг сақланишини таъминлаши шарт. Агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, улар идоравий архивларда 75 йил мобайнида сақланиши лозим.

ЎРҚ-252-сон Қонун қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 октябрдаги 233-сон қарори² билан ҳукуматнинг баъзи қарорлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» қарорига (1999 йил 30 октябрдаги 482-сон, бундан кейин – 482-сон ВМК) ушбу ҳужжатни ЎРҚ-252-сон Қонун билан белгиланган таърифларга мувофиқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди. Масалан, Миллий архив фонди давлат ва нодавлат қисмларга ажратилиши муносабати билан «Давлат архив фонди» бўлимининг номи **Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низомда** (482-сон ВМКга 1-илова) куйидаги таҳрирда баён этилган: «Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми». Уни нафақат қонуний асосда давлат мулкига, шу жумладан чет эллардан келиб тушган ёки уларга берилган юридик ва жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатлари ташкил қилади.

Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «Ўзархив» агентлиги ва унинг архив иши бўйича ҳудудий бошқармалари, шунингдек уларга идора-



вий мансуб давлат архивлари томонидан Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилади. «Ўзархив» агентлиги давлат томонидан сақланиши керак бўлган ҳужжатларнинг намунавий рўйхатларини, шу жумладан сақлаш муддатларини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ташкил этиладиган ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳужжатлари 15 йил мобайнида сақланади (илгари муддат белгиланмаган эди). Илмий, технологик, конструкторлик ва патент ҳужжатларини сақлаш муддати 20 йилгача (илгаригидан 5–10 йил кўлга) оширилди.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратуралар, судлар, банклар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат, қўшма (давлат иштирокидаги) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайта ташкил этилганда, шунингдек уларнинг мулкчилик шакллари ўзгарган ҳолларда улар ўз фаолиятларини амалга оширишда пайдо бўлган архив ҳужжатлари тартибга келтирилган ҳолатда тегишли давлат архивлари билан келишган ҳолда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга давлат мулк эгаллиги сақланган ҳолда ҳуқуқий ворисларга берилади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилган тақдирда эса уларнинг архив ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат архивларига берилади.

Илгари ҳам бўлганидек, Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатлари давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, олди-сотди ёки бошқа хил битишувлар объекти бўлолмайди. Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган тақдирда уларнинг архив ҳужжатлари, шу жумладан шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар белгиланган тартибда давлат архивларига берилиши керак.

Архивлар пулли хизматлар кўрсатиши мумкин. Бундай хизматларни кўрсатиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси то-

монидан тасдиқланади (илгари пулли хизматлар номенклатураси «Ўзархив» агентлиги томонидан тузилар ва тасдиқланар эди).

«Давлатга тегишли бўлмаган архив фонди» бўлимининг номи «Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми» деб алмаштирилди.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмига тегишли деб топилган ҳужжатларнинг эгалари бўлган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ушбу ҳужжатлар шу мақсадларда ташкил этиладиган архивлар ёки идоравий архивларда, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари таркибида доимий сақланишини таъминлайдилар.

Доимий муддатда сақланадиган ҳужжатлар йўқ қилинмайди (илгари улар «Ўзархив» агентлиги билан келишилган ҳолда йўқ қилиниши мумкин эди). Шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар «Ўзархив» агентлиги органлари ва муассасалари билан келишилмасдан нодавлат юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўқ қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибда (482-сон ВМКга 2-илова) «Республика фонд каталоги» номи «Миллий архив фонди Давлат каталоги»га ўзгартирилди.

Энди 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги 768-1-сон Қонун амалга киритилиши вақтида ҳужжатларнинг ушбу Каталогда ҳисобда туриши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган эксперт-текшириш комиссияси қарори рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги идоравий архив тўғрисида намунавий

низомга (482-сон ВМКга 4-илова) куйидаги ўзгартиришлар киритилди.

Идоравий архив етакчи (бош) бўлган ташкилот ҳузурида таркибий бўлинма сифатида (илгари мустақил муассаса ҳуқуқларида ҳам) ташкил этилади, у ташкилот раҳбари ёки ташкилот тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳужжатлар билан ишлашни йўлга қўйиш учун жавобгар бўлган таркибий бўлинма раҳбарига бўйсунди.

Идоравий архив таркибидан мазкур ташкилот тизимига кирган тугатилган ташкилотларнинг, шунингдек улар ўтмиш дошларининг ҳужжатлари чиқарилди.

Идоравий архивлар ҳужжатларни давлат томонидан сақлашга топшириш учун тайёрлайди ва «Архив иши тўғрисида»ги Қонунда белгиланган муддатларда топширади (Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини доимий (муддатсиз) сақлаш ҳуқуқи берилган идоравий архивлар бундан мустасно).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2004 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 49-сон қарорига 4-илова) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, «Ўзархив» агентлигининг асосий вазифаларига шунингдек архив иши ва иш юртишнинг ҳолати юзасидан давлат назоратининг амалда бажарилиши ва амалга оширилишини таъминлаш ҳам киради.

«Ўзархив» агентлигининг функциялари янги вазифаларга мувофиқлаштирилди. Эндиликда у Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ёхуд бошқача усулда бегоналаштириш ёки бир шахсдан бошқа шахсга ўтказиш учун рухсатнома беради; архив ҳужжатларини алоҳида қимматли ҳужжатлар ва ноёб ҳужжатлар жумласига киритиш тартибини, шунингдек эҳтиёт нусхаларини яратиш ва сақлаш тартибини, шунингдек архив ҳужжатлари давлат архивларига берилиши керак бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар рўйхатини тузиш тартибини белгилайди ва бошқа функцияларни амалга оширади.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

¹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 24-25-сон, 192-модда. «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 16 июнда расман чоп этилган кундан бошлаб кучга кирган.

² «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 42-43-сон, 362-модда.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТАКОМИЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ҳамкорлигида «Ҳакамлик муҳокамасига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказди.

Тадбирда ҳакамлик судьялари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, улар ҳакамлик муҳокамаси, бу жабҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси ва ҳакамлик судларини такомиллаштириш, миллий қонунчилигимизни шу нуқтаи

назардан қайта кўриб чиқиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Айтиш керакки, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда дунёнинг 120 та давлати имзо чеккан «Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақидаги» Нью-Йорк конвенциясига қўшилиши орқали ҳамда 2007 йил 1 январдан «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг кучга киритилиши билан республикамизда судловнинг янги – нодавлат тури фаолият кўрсата бошлади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон суд

тизимидан низоларни давлат судларидан ташқари, арбитраж тартибидан ҳал этиш имконияти вуҷудга келди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси республика-мизнинг деярли барча минтақаларида ўз ваколатхоналарини очган.

Бундай судларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатиши нафақат маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, балки юртимизда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга кўмаклашади.

Халқаро конференцияда, шунингдек, ҳакамлик судьялари ва ҳакамлик судьялигига захирадаги номзодларни қайта тайёрлаш, ҳакамлик судьялари ўртасида низола-рни кўриш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

ҚИДИРУВГА... ЭКСТРАСЕНС КИРИШГАЧ

Очигини айтганда, фолбин ва ромчилар, башоратчи ва кароматгўйлар ҳақидаги гап-сўзларга ҳушим йўқ, уларга ишонмайман ҳам. Аммо бир сафар шундай бўлдики, йўқолиб қолган қизчаларни қидириб топишга экстрасенслик қобилияти бўлган одам чинакам ёрдам қилди. Қуйида анча йиллар аввал бўлиб ўтган ана шу воқеа ҳақида сўз боради.

Шаҳарнинг туманларидан бирида 1-синфда ўқийдиган икки дугона дарсдан кейин мактабдан чиқишгану, аммо уйларида етиб боришмаган – куппа кундузи йўқолиб қолишган. Ота-она ва яқинлари хавотирга тушиб, қош қораймасдан оқ уларни излай бошлаган. Лекин қизларни дугона-лариникидан топмагач, милицияга мурожаат қилишган. Воқеанинг давомини менга йўқолиб қолган қизчаларни қидириш билан шуғулланган тезкор ходим айтиб берган. Яқин атрофдаги кўча, ҳовли ва майдонларни оқшом ва туни билан айланиб чиқиш ҳам ҳеч қандай натижа бермаган. Эрталаб милиция ходимлари яна ўқувчилар ва педагоглардан сўраб-суриштиришган, сўнгра қизларни топишга ёрдами тегиши мумкин бўлган одамларни бутун туман бўйлаб излашган.

Яқин атрофдаги савдо нуқталари ходимларидан, шунингдек қизлар яшайдиган жой яқинидаги қурилатган кўп қаватли 2 та уйда ишлаётган қурувчилардан ҳам сўраб кўрилди. Аммо ҳеч кимдан тайинли гап олинмади. Қурилиш ҳудуди ҳам синчиклаб кўздан кечирилди, лекин ҳеч ким ва ҳеч нарса топилмади. Йўқолиб қолган қизалоқлардан бирининг онаси Украинада меҳмондорчиликда экан. Йўқолган қизалоқнинг онаси ўша куннинг ўзидаёқ онасига кўнғироқ қилиб, кўнғилсиз воқеадан уни хабардор этган. Шўрлик она дарҳол қайтишнинг иложини қила олмаган: самолёт кунора қатнар экан. Украинадаги кадрдонлари унинг ташвишига ҳамдардлик билдириш асносида аллақайси қишлоқда яшайдиган машҳур экстрасенс аёлга мурожаат этиб кўришни маслаҳат беришган. Мавҳумликдан, нуридийдасини қидиришда иштирок этиш иложсизлигидан ақлини йўқотаётган онаизор ўша экстрасенсга бориб учраган. Аёл унинг сўзларини тинглаб ёрдам беришга ҳаракат қилиб кўраман, аммо бунинг учун менга қизчанинг сурати керак бўлади деган. Яхшиямки, онанинг ёнида болаларининг, шу жумладан йўқолиб қолган қизининг фотосурати бор экан. Экстрасенс суратга бироз тикилиб, унинг устига кафтини кўйгач, бош чайқаб, ишлар пачавароқ, қизингизни ўзингиз яшайдиган жой яқинидаги қуриб битказилмаган кўп қаватли бинодан излашин деб айтган.

Муштипар она ўша заҳоти катта қизига



кўнғироқ қилган, қиз ўз навбатида онасининг гапини милиция ходимларига, шу жумладан менга воқеани сўзлаб берган ўша тезкор ходимга етказган. Ходим экстрасенсга унча ишонқирамаган. Аммо йўқолган болаларнинг қариндош-уруғларини тинчитиш мақсадида ҳар иккала бинода қидириш-излаш ишларини ташкил этган. 16 қаватли чала бинони бирма бир кўздан кечириб учун туман ички ишлар бўлимида одам етишмасди. Шу боис қидиришга йўқолган қизлар ўқиган мактаб аҳли ҳам жалб этилган. Бино ичига зина-пиллапоярлар ўрнатилмаганлиги боис арматура ҳавозалари орқали юқорига кўтарилиш анча қийин иш эди.

Милиция ходимлари, тезкор ходим раҳбарлигидаги юқори синф ўқувчилари қаватма-қават юриб, ҳар бир хонани кўздан кечириб чиқдилар. Ниҳоят юқори қаватлардан бирининг энг охириги хонасида бошла-

рида жароҳат излари кўриниб турган, бетон полда узала ётган қизларни кўриб қолишди, уларнинг устига қурилиш чиқиндилари ташлаб қўйилган экан. Қизларнинг бири ўлган, иккинчиси аранг нафас оларди. Таассуфки, шифохонага келтирилгач, муолажа бошлашга улгурмай унинг жони узилди – асраб қолишнинг иложи бўлмади.

Суд-тиббиёт текшируви ҳар иккала қиз бошига оғир нарса билан урилгач, бош миянинг оғир жароҳатидан вафот топганлигини аниқлаб берди. Улар топилган ердан сал нарида ғиштлар ётарди, афтидан қизларнинг бошига шу ғиштлар билан урилган. Қизларнинг уст-боши бут, танасида шахвоний зўравонлик аломатлари йўқ эди. Қаршилиқ кўрсатиш аломати тариқасида қизларнинг қўлларида кўқарган ёки тирналган жойлар ҳам топилмади. Улардан бирининг тирноғидан бир парча бегона тери топилди. Афтидан, қотилни тирнаб олган бўлса керак. Ёнгиналаридеги папкаларидан ҳам ҳеч нарса йўқолмаган, музқаймоқ учун берилган пулларига ҳам тегишмаган.

Афтидан, қотиллик рўй берган жойга қизалоқлар ўз ихтиёри билан кўтарилишган, чунки юқорида айтилганидек зина-пиллапоярлар йўқ, арматура ҳавозалардан қизларни кўтариб олиб ўтиб бўлмайди. Қизчаларнинг жигаргўшалари улар нотаниш одамларнинг ҳузурига боришлари имкониятини қатъиян рад этдилар, чунки бегоналар билан бирон ёққа бориш у ёқда турсин, улар билан гаплашманг деб қаттиқ тайинлашган экан. Қизчаларни қурилишнинг юқори қаватига танишлари чорлаган, шу сабабли ортиқча қаршилиқ кўрсатишмаган деган тусмолга тўхталинди. Шу йўналишда жадал текширув олиб борилди. Тезкор ходим-

Криминалист эксперт ён дафтаридан

лар айна бир вақтда бошқа йўналишларда ҳам изланиш олиб бордилар.

Таассуфки, биз, криминалист экспертлар терговга дурустроқ ёрдам бера олмадик: қизчаларнинг папкаларида фақатгина уларнинг ўз бармоқлари изи бор эди, холос. Қизлар топилган хонада уюлиб ётган қурилиш чиқиндиларида жиноятчилар из қолдиришмаган.

Қизчалар билан боғлиқ шафқатсиз қотиллик милиция ходимларига ҳам, мактаб педагогларига ҳам, ҳалок бўлганларнинг кўшнларига ҳам тинчлик бермади, улар ўзларини кўярга жой тополмай қолдилар. Одамлар, қандай бўлмасин, қотилларни қидиришга ёрдам беришга ҳаракат қилдилар. Шу тўғрисида тезкор ходимлар ҳадемай жиноятчиларнинг изига тушдилар. Қотиллар айна ўша мактабнинг 11-12 ёшли ўқувчилари эканлиги маълум бўлганида, таажубнинг чеки йўқ эди. Болалар амалда ҳеч нарсадан тонмай, тортинмай, қотиллик содир этганликларини бўйинга олдилар. Улардан бирининг қўлида тирналган жой бор эди ва у бунинг қизлардан бири содир этганлигини айтди.

Милиция ходимлари бу болакайлар қотиллик содир этганига аввалига ишонқирамай қарадилар. Аммо улар бутун тафсилотни айтиб, қандай ўлдирганликларини миридан-сиригача гапириб бергач, шубҳага ўрин қолмади. Ёш жиноятчилар мактабдан қизлардан кейинроқ чиқиб уларга етиб олишган, йўл-йўлакай гаплашиб кетишган, конфет билан меҳмон қилишган, кейин қизик нарса кўрсатамиз деб қурилиш ҳудудига бошлаган. Мактабдош болаларни яхши билганликлари сабабли қизчалар уларнинг ортидан юқори қаватга кўтарилишган ва... ажал қотилга тушишган. Қизларни нима сабабдан ўлдирдингиз деган саволга қотиллар тайинли гап айта олмадилар. Америка фильмларини кўриб, шунчаки қотилликни синаб кўрмоқчи бўлишган экан.

Бу ишнинг энг даҳшатли томони ҳам шунда, яъни замонавий деб юритилувчи «санъат»нинг ғайритабиъий ролида-дир. Афсуски, телевидение орқали ва кино экранларидан қанчадан-қанча зўрлик, бесабаб шафқатсизлик, қаттоллик томошабинлар узра ёғилаётганлигига ҳаммамиз гувоҳимиз. Катта ёшдагиларнинг аксарияти бу ифлос оқимга қарши тура билса-да, болаларнинг ҳали чиниқиб улгурмаган руҳияти шундай ўзгаришларга рўбарў бўлмоқдаки, бунинг оқибатидан бутун жамият жабр кўрмоқда. Юқорида айтилган воқеа ҳам бунга шохид.

Украиналик кароматгўй чиндан ҳам ғайриоддий экстрасенслик қобилиятига эга бўлиб чиқди. Дунёдан бевақт кўз юмган қизчаларни қидириб топишга унинг ёрдами теғди.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузурдаги
Республика суд экспертизаси
марказининг катта илмий ходими.



ТОП


ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 49 (282) 2010 йил 14 декабрь

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

АРЧА БАЙРАМИ БЕХАТАР ЎТСИН!

Ҳаммамиз байрамларни катта тантана ва ўйин-кулгулар билан нишонлашга ўрганганмиз. Айниқса янги йилни мушаббатлик, ажойиб Бенгал шамлари ва бошқа пиротехника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Лекин бу «кайфиятни кўтарадиган» воситалардан нотўғри фойдаланилса, байрам хурсандчилиги фожиа билан якунланиши ҳам мумкин. Шунинг учун пиротехника воситаларидан билиб фойдаланиш, уларнинг ёш болалар кўлига тушиб қолмаслиги олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари қишки мавсумда электр ва газ асбобларидан тегишли қоидаларга риоя этмасдан фойдаланиш, уларга ноқонуний уланиб олиш ҳолатлари ҳам аҳоли турар жойлари ва бошқа объектларда ёнғин чиқиши хатарини кучайтиради.

Жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биз маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ташриф буюриб, аҳоли орасида тушунтириш

ишларини олиб бормоқдамиз. Табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, ёнғин чиқиш эҳтимоли мавжуд бўлган ускуналарнинг техник ҳолатини назоратдан ўтказиш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Ёнғинни қисқа фурсатда бартараф этишда фойдаланиладиган сув манбалари ҳолатини яхшилаш, техника воситалари ўтишига халақит қиладиган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш борасида ҳам қатор ишлар бажарилди.

Кўрилатгани мана шундай чоратadbирлар туфайли ёнғинлар сонини анча камайтиришга эришилмоқда. Нима бўлганда ҳам ёнғин



хавфсизлигини таъминлаш биргина соҳа ходимларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлигини унутмаслик керак.

**Атҳам КЕНЖАЕВ,
Шайхонтоҳур туман
ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант.**

РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 15 декабрдаги 10-0915/17996-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги "FARD DISTRIBUTION" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Янги тугатув бошқарувчиси этиб Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси ходими 1-тоифали тугатиш бошқарувчиси Ф.Алимов тайинланди.

Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2010 йил 9 декабрь куни соат 17.00 да Тошкент ш., Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хонада ўтказилиши белгиланган.

Кредиторларнинг якуний йиғилиши 2010 йил 16 декабрь куни соат 17.00 да Тошкент ш., Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хонада бўлиб ўтади. Барча кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хона.

Тел. 321-16-57

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги дренаж учун ГНОМ туридаги К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли ЦМК туридаги фекаль "Андижанец" насоси

«КАСКАД» ҚЎЗ


Товар сертификатланган

Тел.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ


«CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

- Гипсокартон учун рух қопламадан профиллар
- Шип учун осма тизимли «Armstrong» плиталари
- Кабель маҳсулоти
- Бўёқлар, алиф мой, лок
- Кир ювиш кукуни, совун
- Электродлар
- Кальций карбиди
- Битум, рубероид
- Линолеум
- Курук қурилиш аралашмалари
- Алебастр
- Белкураклар, челақлар, болталар
- Мўйқаламлар, валиклар, колерлар
- Қулфлар (ўйма ва осма)
- ПВА елими, КМЦ
- Ёзув-чизув товарлари ассортиментда

Товар сертификатланган



Шунингдек 500 дан ортиқ номланишда



301-10

Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250

Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru



РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 29 ноябрдаги ажримларига асосан Риштон туманидаги соддалаштирилган таомил бўйича банкротлик иши юритувига қабул қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
«Рошидон мезон» ХФ	15-10-08/30108
«Давр плюс водий» ХФ	15-10-08/30109
«Равшанбек Додохон» ХФ	15-10-08/30110

Мазкур корхоналар бўйича кредиторлар йиғилиши 2010 йил 20 декабрь куни соат 10.00 да Фарғона вилояти Риштон туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Ушбу корхонага алоқадор жисмоний ва юридик шахслар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида ўз мурожаатларини Риштон шаҳар, Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон туман ДСИ биноси, 2-қават, 1-хонага билдиришлари мумкин. Корхоналарнинг раҳбари ёки таъсисчилари томонидан 10 кун муддат ичида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган думалоқ ва тўртбурчак муҳрлар, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ва Низоми (Устави), улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб ҳисобланиб бекор қилинади. Ушбу йиғилишга барча кредиторлар таклиф этилади. Манзил: Риштон шаҳар, Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон туман ДСИ биноси.

Тел.: (8-373) 452-43-72, +998916618811.

“Аудит-ВАРН” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БҮЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971 192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +99897454 1664

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирма-си*.</p> <p>Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.</p> <p>Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.</p> <p>Тел. 448-74-69.</p> <p>Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш.</p> <p>Адвокат Шуман Неля Сергеевна*.</p> <p>Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).</p> <p>«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.</p> <p>Тел.: 281-52-39, 448-74-69.</p>	<p>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.</p> <p>Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.</p> <p>КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Бизнес-режалар, ТИА, баҳолаш*.</p> <p>Тел. 500-70-30.</p> <p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: техник, тиббий, юридик ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонуний-лаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.</p> <p>Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш.</p> <p>Тел.: 102-72-98, 244-58-12.</p> <p>Компьютерларни тузатиш, картрижларни тўлдириш. Тел. (+99890) 321-15-99.</p> <p>Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.</p> <p>Тел. (+99897) 340-45-08.</p> <p>Видео-, фотосуратга олиш*.</p> <p>Тел. (+99897) 709-20-17.</p> <p><i>*Хизматлар лицензияланган.</i></p>	<p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ. АРЗОН*.</p> <p>Тел. 176-23-13.</p> <p>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Тиклаш. Юритиш. Тел. 100-65-80.</p>

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

РҲЙХАТЛАР

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 ноябрдаги 15-10-02/24628-сонли ҳал қилув қарорига асосан Риштон туман ДСИдан ва давлат рўйхатидан ўтган “Гелмос-Риштон” қишлоқ хўжалик кимё савдо дўкони банкрот деб эътироф этилганлиги муносабати билан Фарғона вилояти-Риштон туман ДСИ биносида 2010 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Мазкур корхонага алоқадор жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини Риштон шаҳар, Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон тумани ДСИ биноси, 2-қават, 1-хонага билдиришлари мумкин. Корхонанинг раҳбари ёки таъсисчилари томонидан 10 кун муддат ичида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган думалоқ ва тўртбўрчак муҳрлар, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ва Низоми (Устави), улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб ҳисобланиб бекор қилинади. Ушбу йиғилишга барча кредиторлар таклиф этилади. Манзил: Риштон шаҳар, Б.Рошидоний кўчаси, 21-уй, Риштон туман ДСИ биноси.

Тел.: (8-373) 452-43-72, +998916618811.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 ноябрдаги 10-1007/9715-сонли ажримига асосан Шайхонтоҳур туманидаги “YANGI YULDUZ BIZNES” МЧЖга нисбатан банкротлик иши тугатилиб, жамият ўз фаолиятини тиклади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 7 декабрдаги 10-1017/19607-сонли қарорига асосан Юнусобод туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “Бекар” ҚК (СТИР 200829623) тугатилмоқда. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар 1 ой давомида Мирзо Улуғбек тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 1 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхона белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 235-87-76.

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 3 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами	Юридик манзили	Қарор рақами
“MUXAMMADIYOR STAR”	301140047	13.04.09	002819-01	Муҳаббат кўч., 45 10-1021/19496(21)
“BEKZOD INTER FODS PRODUCT”	301193740	20.05.09	002913-01	Боту 4-тор кўч., 31 10-1021/19494(21)
“ARMONLI EKSKLYUZIV”	300344394	13.03.07	001460-01	Чилонзор 11-46-32 10-1021/19497(21)
“TOXIRBEK SARBON SAVDO”	300611480	07.11.07	001885-01	Чилонзор 11-15-48 10-1021/19495(21)
“ART GROUP”	301494484	11.02.10	003548-01	Гулистон кўч., 10-11 10-1021/19499(21)
“BONEFOS SAVDO FARM”	301505058	18.02.10	003569-01	Ибрат кўч., 41 10-1021/19493(21)
“SUN TEKS”	206787198	29.05.07	001624-01	Чилонзор 31-4-1 10-1021/19498(21)

Мазкур корхоналарнинг тўртбўрчакли тамгалари ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 ноябрдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий тартибда банкротлик иши юритувига қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Тугатиш бошқарувчиси
“Таъмирлаш Қурилиш Монтаж” МЧЖ	10-1014/20005	У.Исроилова
“ROSELLI STAR” МЧЖ	10-1014/20004	К.Сайдуллаев
“JASMIN ZIYO” ХК	10-1014/20009	У.Исроилова
“UMID GOLD INVEST” МЧЖ	10-1014/20007	Б.Хаитбоев
“GOLD VESSAL” ХК	10-1014/20006	У.Исроилова
“ORION SERVIS” ХФ	10-1014/20008	Б.Хаитбоев

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчилар этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2011 йил 7 январь куни соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонада ўтказилади. Ишни суд мажлисидаги муҳокамасида кўриш 2011 йил 12 январь куни соат 10.00 да хўжалик суди биносининг 4-суд мажлиси залида ўтказилади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
“Norma маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 850 Адади 4185. Баҳоиси келишилган нархда
Газета 2010 йил 10 декабрда соат 22.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223